



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 17 август, № 160 (5075)

Сешанба

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Бухоро:

### ИЛМУ ФАН, МАЪРИФАТ ВА ИЖОД БЕШИГИ



Мустақиллик туфайли юртимиз дунёга юз тутди. Неча-неча минг йиллик тарихга эга шаҳарларимиз эъзоз топди. Улар жаҳон аҳли талпиниб яшайдиган гўшаларга айланди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро ана шундай шаҳарларимиздан биридир. Бугун Бухорода бўлган киши улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўриб, лол қолиши тайин. Бу хайрли, эзгу ишларга мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан киришилган эди.



— Сирасини айтганда, мустақилликнинг ҳар бир йили Бухоро тарихида ўзига хос из қолдиришда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Бехбуд Жумаев. — Шаҳар қиёфаси ўзгараётти. Қадимий обидалар ёшараяпти. Бухоро аллақачон жаҳонга юз тутди. Шаҳарнинг 2500 йиллиги дунё миқёсида нишонлангани кечагидек ёдимизда. Калон масжиди, Арк қалъаси, Лабиховуз мажмуи, бошқа ўнлаб тарихий ёдгорликларнинг таъмирлангани — буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидан. Шаҳримиз тарихий марказидаги меъморий обидалар ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти мероси рўйхатига киритилгани қалбимизни фахр-ифтихор ҳиссига тўлдирди. Қадимий шаҳарнинг қай бир кўчасидан юрманг, йўллар Минораи Калонга элтади. Шаҳардан чиққан қай бир йўлни олиб

кўрманг, у муқаддас қадамжоларга олиб боради. Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Мир Кулол, Чорбакр, Абдулхолиқ Фиждувоний, Бобои Самосий, Фағнавий зиёратгоҳлари, бошқа кўплаб қадамжолар бевосита Президентимиз ташаббуси билан обод манзилларга айлантирилди. Буюк аждодларимиз бой маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Айни кунларда шаҳарнинг қадимий дарвозалари қайта бунёд этилаёпти. Шаҳардаги Абу Ҳафс Кабир қадамжоси ҳам гўзал меъморий мажмуа қиёфасини олмоқда. Бухородаги ёдгорликларни таъмирлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Олим Абдиев бошчилигидаги усталар Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда).



#### Умумхалқ хайрия ҳашари

Мамлакатимизда 14-15 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 16 миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этди.

### ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

Юртимизда тўю тантаналар кўп. Улар орасида энг улуг, энг азиз байрамимиз, мамлакатимиз Мустақиллиги кунини ҳар йили катта тантана, ўзига хос шоду хурамлик билан нишонланади. Айни кунда ана шу кутлуг санага пухта ҳозирлик кўриш мақсадида юртимизнинг ҳар бир гўшасида катта миқёсдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Эзгу мақсадни дилга тугиб, қишлоғу маҳаллаларни обод, саришта этишга чоғланган юртдошларимиз ташаббуси билан катта байрам олдидан юртимиз чиройига чирой қўшилаётти, хонадонларимиз файзга тўлаётти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг фармойишига биноан, 14-15 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарини ҳам ана шундай эзгу ташаббуслар самараси, деб эътироф этиш мумкин. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёналарни арафасида ўтказилган мазкур умумхалқ тадбирида 16 миллиондан зиёд ҳамюртимиз қатнашди. Эътиборли жиҳати, бунда ёшларимизнинг фаоллиги, ташаббускорлиги алоҳида кўзга ташланди. Юртимизни обод, турмушимизни фаровон қилишга бел боғлаган хашарчиларнинг 10 миллиондан зиёгани ёшлар ташкили этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика

штабидан олинган маълумотларга кўра, умумхалқ ҳашарида аҳоли томонидан 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 22 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланди, қарийб 14 миллион тулдан зиёд дов-дарактлар оқланди ва уларга шакл берилди. Шунингдек, 9 мингдан ортиқ қабристон ва зиёратгоҳ тартибга келтирилди.

Айтиш жоизки, умумхалқ ҳашари нафақат ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасидаги ишлар, балки ушбу кунларда кенг қамровда ташкил этилган меҳр-муруват, хайр-саховат тадбирлари билан ҳам аҳамиятли бўлди. Чунки хашар жараёнида ёлғиз кишилар, кам таъминланган oilаларнинг 387 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари хашар йўли билан таъмирланди, бундай эҳтиёманд инсонларга 590 миллион сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, умумхалқ хашар тадбирлари юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан амалга оширилган ўзига хос хайрли ишлар билан ҳам эътиборлидир.

Жумладан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг қайта реконструкция қилинаётган, янгидан барпо этилаётган иншоотлар, хиёбонлар ва боғлари жойлашган ҳудудлари хашар кунлари энг

(Давоми 2-бетда).

#### Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил кўшадиган ой

### ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ

баракали ҳосил етиштиришнинг муҳим омилидир

Сир эмас, мамлакатимиз пахтакорлари учун август ойи энг долзарб меҳнат мавсуми ҳисобланади. Нега деганда, гўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари айни шу пайтга тўғри келади. Шу боис қишлоқ меҳнатқашларидан бу даврда алоҳида масъулият, эътибор ва кунт талаб қилинади. Юртимиз деҳқон ва фермерлари бунинг чуқур ҳис этиб, ой бошидан бунинг гўзаларини чеканка қилиш, суғориш, культивациялаш, ҳосилни зараркунандалардан муҳофазалаш каби тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказдилар.

Натижада гуллар кўсакларга айланиб, ҳосилга ҳосил кўшилди. Бугунга келиб эса, бўлиқ кўсаклар бири-кетини очилиб, лўппи-лўппи пахтага айланмоқда. Демак, энди навбат дефолиациялашга келди.

Ушбу тадбирнинг аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида экинни баргидан озикланиши тўхтатилади. Барглари тўкилиши кўчатирилган пахта шохларидаги кўсакларга ҳам кўш нурининг тўғридан-тўғри тушишига, бу, ўз навбатида, ҳосилнинг тез пишишига ва баракали бўлишига хизмат қилади. Аникроги, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга ошиб, йиғим-терим ишларига 10-15 кун эрта киришилади. Энг муҳими, тола сифати яхшиланади.

Таъкидлаш кераки, сурхондарёлик фермерлар

мазкур тадбирни ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида пухта тайёргарлик кўришмоқда. Бунда Президентимизнинг шу йил 5 августдаги қарори дастури амал бўлиб хизмат қилаёпти.

Жорий мавсумда вилоятда 104 минг гектарга 2-3 центнерга ошиб, йиғим-терим ишларига 10-15 кун эрта киришилади. Энг муҳими, тола сифати яхшиланади. Таъкидлаш кераки, сурхондарёлик фермерлар

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Абдуғулум Намозовнинг айтишича, бу ерда ҳозир завор техника воситалари, шу жумладан, "ОВХ — 600" пуркагичлари мавсумга шай қилиб қўйилган. Жойларда семинарлар ташкил этилиб, мутахассислар томонидан тушунтириш ишлари олиб берилади.

Дефолиация даврида далада 7 та ишчи отряди фаолият юритади. Ҳар бир отряднинг таъминоти, уларга техник хизмат кўрсатиш тадбирлари белгиланган олинган. Буларнинг бари дефолиациялашни 10 иш кунига яқунлаш имконини беради.

О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



#### БИР РАҚАМ ШАРХИ ЭКСПОРТБОП ТОВАРЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида мамлакатимизда экспортбоп товарлар тури

400 тадан ошди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, республикамизда тайёрланган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларнинг кўрилгани ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

### МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар



ТОШКЕНТ. Мамлакатимизда навқирон авлоднинг истеъод ва салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

### Санъат гулшанидаги умид гунчалари

Зеро, Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ижодкор ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хусусан, юртимизнинг энг чекка қишлоқ жойларида камол топаётган иқтидор соҳибларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш борасида эзгу саяёҳаракатлар амалга оширилганлиги бунинг тасдиғидир.

Бундан ўн йил муқаддам давлатимиз раҳбари томонидан таъсис этилган "Нихол" мукофоти учун ўтказиб келинаётган танлов ҳам ана шундай ноёб истеъодли йигит-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Бугунга қадар санъатга ихлосманд ёшларнинг 114 нафари мазкур нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Қувонарлиси, айни пайтда улар орасида Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига ва бошқа давлат мукофотларига сазовор бўлган ихрочилар анчагина.

(Давоми 4-бетда).

ФАРФОНА. Қувасой шаҳрилик тадбиркор Мўсинжон Меҳмононов саяёҳаракати билан шифер ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Кипр қўша корхонаси ташкил этилди.

### Тадбиркор ташаббуси

Кипрлик сармоядорлар томонидан ажратилган маблағ эвазига хориждан шифер ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар, асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Утган қисқа муддатда корхона ички бозорга 1 миллион сўмлик қурилиш хом ашёси чиқарди. Ногиронлар жамиятига ҳамда кам таъминланган oilаларга қарийб 10 миллион сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Энг муҳими, 100 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ. Тадбиркор Ҳалим Худойбердиевнинг Қарши шаҳридаги "Иссиқ нон Навкат" шўъба корхонасига яқинда Германиядан нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди.

### Технологик янгиликлар самараси

Натижада корхона қуввати ошиб, бу ерда кунига 3,5-4 минг дона иссиқ нон тайёрланиб, савдо дўконларига чиқарилмоқда.

Аҳамиятлиси шундаки, хорижий технология асосида пиширилган нон таъми ва кўриниши жиҳатидан харидорлар дидига мос тушмоқда.

Вилоятда 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан 75 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,1 фоизлик ўсишга эришилди. Шу даврда 1,7 миллиард сўмлик инвестиция киритиш эвазига 119 та янги кичик саноат корхонаси ташкил этилганлиги қувонарлидир.

Ф. БОЗОРОВ.

НУКУСЛИК тадбиркор Муродбек Тангрибергенов "Муродбек-мебель" кичик корхонасини ишга туширди.

### Яна бир янги корхона

Банқдан олинган 50 миллион сўмлик кредит тадбиркорга мана шу хайрли ишни амалга оширишда катта туртки бўлди.


Айтиш кераки, корхонада тайёрланаётган сифатли мебеллар ва ошона жиҳозлари ички бозорда тобора харидорлар бўлиб бормоқда. 10 нафар қўли гул уста меҳнат қилаётган корхона жамоаси харидорларга 20 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотини етказиб берди.

Х. АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.





2010 йил — Баркамол авлод йили



“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

## «НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида шу номдаги республика фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар икки йилда бир мартаба ўтказилиб келинаётган “Навқирон Ўзбекистон” замонавий санъат фестивали жорий йилда тўртинчи бор ташкил этилди. Утган вақт мобайнида мазкур тадбирда 200 нафардан зиёд ёш ижодкор иштирок этиб, санъатнинг барча йўналишларида ўз истеъдодини намойиш этди. Бу галги фестивалда ҳам тасвирий ва замонавий санъат ҳамда миллий хунармандчилик йўналишлари бўйича юз нафарга яқин иқтидорли ёшлар қатнашаётди.

— Кувонарлиси, йилдан-йилга мазкур фестивалда қатнашиш истагини билдираётган ижодкор ёшларимиз сафи ортиб бормоқда, — дейди санъатшунос Илмира Раҳимова. — Бир ой давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида танловда иштирок этиш ниятидаги ёшлардан мурожаатлар қабул қилинди. Тажрибали мутахассислар иштирокида улар тақдим этган ишланмаларнинг бадий савияси ва сифати баҳо берилди. Эндиликда ушбу асарлар Ёшлар ижод саройида бир ой мобайнида санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилади. Шунингдек, фестиваль доирасида таниқли рассомлар, санъатшунослар, хунарманд ва дизайнерларнинг маҳорат сабоқлари ҳам ташкил этилади. Бундан ташқари, тадбир иштирокчиларининг муаллифлик лойиҳалари тақдимотлари ўтказилиши кўзда тутилган.

— Фестивалда ilk бор қатнашаётган, — дейди Камолддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Нодира Арапова. — Модерн услубида яратган “Йил фасллари” номли туркум асарларимни танловга тақдим этдим. Асосий мақсад, голиблар сафидан жой олиш билан бир қаторда, устоз санъаткорларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш, уларнинг ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тингладим. Қолаверса, ўзим сингари ёш рассомлар ижоди билан яқиндан танишиш ниятидаман.

Тадбирнинг очилишида намойиш этилган экспозицияга назар солар эканмиз, навқирон ижодкорларнинг янги услуб, ўзига хослик, миллий ва замонавий руҳ акс этган бетакрор асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, кундузлик ёш ижодкорларнинг сингари миллий хунармандчилик буюмлари ҳамда видеоарт, инсталляция, дизайн, фотография йўналишларидаги ижод намуналари санъат илҳомларини мафтун этди. Энг муҳими, навқирон ижодкорларнинг санъатдаги илҳомлари уларни янада руҳлантириши, ижодий парвозларга даъват этиши билан аҳамиятлидир.

Муборак АНВАРОВА.  
Муҳаммад АМИН (ЎЗА)  
олган сурат.

Хурматли юртдошлар!

# «АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни Ўзбекистон Республикасининг яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан табриклайди ва куйидаги янги, мuddатли омонат турларини таклиф этади.

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

**«ТУХФА»**

Сақланиш мuddати — 1 ой, омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, омонат кўйилганда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

**«ПРЕСТИЖ» — АҚШ долларларида**

Сақланиш мuddати — 1 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, омонат кўйилганда ёки ёпилгандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.	Сергели филиали	(371)	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8.	Асака филиали	(374)	233-13-69
9.	«Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.	Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13.	Кўкон филиали	(373)	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18.	Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20.	«Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТӨМӨНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

### «Ойл Газ Интеграл» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонасидан

Россиянинг Нижнекамск шаҳридаги заводда ишлаб чиқарилган «КамАЗ» ва «ЗИЛ» русумли автомобиллар учун куйидаги автошиналарни сотиб олишни таклиф этади:

**9.00R20 0-40 БМ (260 R508)**  
**9.00R20 ИН-142 (260 R508)**

Мол юкланаётган пайтда мувофиқлик сертификати ва (ГТД) юк божхона декларацияси тақдим этилади.

Тўлов — 100% олдиндан пул ўтказиш йўли билан.

Телефон: (+99871) 275-64-35.  
Моб.: (+99890) 106-11-01.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-квартал, 56-уй, 17-хонадон.

### Кечаги талаба — бугун тадбиркор

Новий вилоятида лицей ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, яқинда “Микро-кредитбанк”нинг ҳудудий бўлими жорий йилда касб-хунар коллежларини битирган 22 нафар йигит-қизга ишбилармонлик соҳасида дастлабки қадамни кўйишда молиявий кўмак берди. Хусусан уларга компьютер, матбаачилик ва тикувчилик соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу маблағнинг мақсадли сарфланиши учун мониторинг ўтказиш ҳам режалаштирилган.

**Х. ЭШОНҚУЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**БАНДЛИК**

Қувурлар

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозғоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатга лойиқ  
«Мўъжиза» омонатини таклиф этади.

Омонатга мблаглар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой мuddатта йиллик 16% миқдоридан даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шу билан бирга, омонатдаги маблаглар белгиланган мuddат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдигига 4% бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

**ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Тикланиш учун ёрдам

Покистондаги сув тошқинлари туфайли аҳолининг 12 фоиз қисми шошилини ёрдамга муҳтож. Шу муносабат билан БМТ табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамиятини кўмакка чақирди.

— Яқин 90 кун ичида аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун 460 млн. АҚШ доллари зарур бўлади, — деди мамлакатга ташриф буюрган БМТ бош қотиби. Айтиш жоизки, мазкур ташкилот ҳозиргача 27 миллион доллар ёрдам пули ажратди. Сўнгги маълумотларга кўра, бахтсиз ҳодиса 1600 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлди. Қишлоқ ҳўжа-лиги майдонлари ва озиқ-овқат захиралирига қарийб 3 млрд. долларлик зарар етди. Турли касалликлар эпидемияси хавфи ошиб бормоқда. Метеокузатвурлар эса кутилгандек эмас. Муссон ёмғирлари кейинги ҳафта ҳам давом этар экан.

### Пойгадаги ҳодиса

АҚШда “Жип” русумидаги автомобиллар пойгаси чоғида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

Гап шундаки, мусобақада қатнашаётган 87 та автомашина ҳайдовчиларидан бири бошқарувни йўқотиб, томошабинларни босиб юборган. Оқибатда 8 киши ҳаётдан кўз юмди, 12 киши жараҳатланди. Бахтсиз ҳодиса Мохава чўлидаги Лусерн-Вэлли шаҳрида рўй берди.

### Ижобий ўзгариш

Германияда охири уч ойда ишлаб чиқарилаётган ялли ички маҳсулот ҳажми 2,2 фоизга кўпайган.

Бундай кўрсаткичга инвестиция ва экспорт ҳажмининг ошиши эвазига эришилгани айтилмоқда. Европадаги бошқа мамлакатлар ҳозирча юқоридаги каби сезиларли ижобий ўзгаришларни қўлга киритмаган бўлса-да, улар иқтисодийётида ҳам ўнгланиш кўзга ташланмоқда.

### Жиноятлар фoш этилди

Никарагуа полицияси гўёҳванд моддалар олиб кетилаётган 13 та автомашинани, бу ишда гумондор, деб топилган 3 кишини қўлга олди. Мамлакат пойтахтида ўтказилган махсус операция чоғида ушбу қинғир ишнинг қийини чиққан.

“Бу наркомания ва уюшган жиноятчиликнинг транспорт логистикасига жиддий зарба берилгандан далолатдир”, деди бу ҳақда маҳаллий комиссар Вильма Рейс. Йил бошидан буён Никарагуада гўёҳванд моддалар контрабандасига қарши олиб борилган кураш натижасида 8 млн. тонна захри қотил мусодара этилган.

### Йўқотишлар сони ошди

Афғонистонда халқаро коалиция кучларининг ушбу ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар бошлаганидан буён йўқотишлари сони 2002 кишига етди.

Уларнинг 1226 нафари АҚШлик, 331 нафари британиялик ва 445 нафари бошқа давлатлардан келган ҳарбийлардир.

Айни пайтда бу ерга коалициянинг 140 мингдан зиёд ҳарбийси жойлаштирилган. Уларни 2011 йилдан бошлаб мамлакат ҳудудидан олиб чиқиш кетиш режалаштирилган.

### Европада сув тошқинлари

Марказий Европа, айниқса, Словакия сув тошқинларидан жиддий азият чекмоқда.

Ушбу мамлакатдаги бир қатор шаҳарлар ташқи дунёдан узилиб қолган. Юзлаб одамлар уй-йўйларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Қурбонлар ва бедарак йўқолганлар бор.

Худди шундай манзарани қўшни Австрияда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Бургленд еридаги дарёлар сатҳи кун сайин кўтарилмоқда. Тўхтовсиз ёмғир натижасида келиб чиққан калтис вазият Европа шимолига ҳам етиб бориши мумкин.

### Боғлар силсиласи

Дубайда “Park Gate” деб номланган арка шаклидаги ўзига хос иншоот қурилиши мўлжалланмоқда.

нодан иборат мажмуа 34 — 37 қаватли бўлади. Иморатлар томига сув ҳавзалари ва киши бoғ жойлаштирилади. Иншоотта электр энергиясининг маълум қисми кўёш батареялари ёрдамида етказиб берилади.

“Park Gate”нинг умумий юзаси 423 минг метр квадрат бўлиб, унинг таркибига офислар, савдо марказлари, меҳмонхона киритилади.

### Энг узун йўлак

Данияда очик кўринишдаги энг узун мода саҳнаси барпо этилди. Унинг узунлиги 1600 метр.

У ерда “Элт” агентлиги томонидан ташкил этилган кургазмада шу соҳанинг 200 нафар профессионали ва хаваскор вакили ўз либослари билан иштирок этди. Узига хос тадбир пайтида ёмғир ҳам ёғди. Шунга қарамай, 100 мингдан зиёд мухлис маросимни тарқ этмади.

### Меъёрни унутманг

Кембридж университети тадқиқотчилари аччиқ таъмили озиқ-овқат ва айрим турдаги ичимлик маҳсулотлари мия ҳўжайраларини нобуд қилишини аниқлашди.

Уларнинг таркибидagi афродизиақ моддалар саломатлик учун зарарли экан. Чунки қалампир ва занжабинли тўхтовсиз истеъмоли қилиш юрак ҳамда қон айланиш тизимига салбий таъсир ўтказиб, инсулт, қон босимининг ошиши, мияга қон қуйилиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. “Шунинг учун бу каби маҳсулотларга муккасидан кетиш ярамайди”, дейди тадқиқотчилардан бири Сери Лой.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# САНЪАТ ГУЛШАНИДАГИ УМИД ФУНЧАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида "Нихол" мукофотининг навбатдаги соҳиблари эълон қилинди. Тадбирда таъкидланганидек, ушбу мукофот учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган 10 000 нафарга яқин иқтидор соҳиблари кўриқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган саралаш босқичларида ўзаро беллашди. Санъатнинг мумтоз кўшиқчилиги, рақс, эстрада ва опера ижрочилиги йўналишлари бўйича истеъдодли намоён этган 87 нафар номзоддан 12 киши танловнинг якуний босқичи бўлиб, деб топилди.

— Ёшларимизнинг юксак ишонч ва эътиборга муносиб бўлиш иштиёқида шижоат билан интилаётганликларини кишининг ҳавасини



келтиради, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гули Хамроева. — Улар орасида санъатга илҳомланган йигит-қизлар кўпчилиги эканлиги янада қувонарли. Зеро, бугун "Нихол" мукофотида сазовор бўлганлар ҳам кўшиқчилик санъатига чин дилдан

меҳр кўйган истеъдодли ёшлардир. Жорий йилги "Нихол" мукофоти учун ўтказилган танловнинг мумтоз кўшиқчилиги йўналиши бўйича Лола Махаматдинова, Жанибек Пиязов (Қорақалпоғистон Республикаси), Юдуз Тур-

диева (Бухоро вилояти), Рўзижон Нурматов (Андижон вилояти), Сайёра Маматулова (Фаргона вилояти), рақс йўналишида Нигина Шорахметова (Тошкент вилояти), Дилноза Ортиқова (Хоразм вилояти), эстрада йўналиши бўйича Малика

Эгамбердиева (Наманган вилояти), Мадинабону Мусаева (Тошкент шаҳри) ҳамда "Дурдона" гуруҳи (Тошкент шаҳри), опера ижрочилиги бўйича эса пойтахтлик Маъсумхон Болтабоева ва Барнохон Исмаиловларга рақс, деб топилди.

— Бугунги кун ҳаётимизда унутилмас онлардан бири сифатида ёдимда қоладиган бўлди, — дейди Дилноза Ортиқова. — Чунки энг катта орзуим ушалди. Болалиқдан рақсга меҳр кўйганим, эл назарига тушган санъаткор бўлишни ният қилар эдим. Шукрки, юртимизда биз, ёшларнинг интилишларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли диллимиздаги ниятлар рўёбга чиқмоқда, мана шундай нуфузли мукофотларга сазовор бўлаялми.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимида санъат усталари ҳамда "Нихол" мукофоти совриндорлари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**  
«Халқ сўзи» мухбири.  
**Муҳаммад АМИН (Ў.А.)**  
олган сурат.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтаётган I Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта медални қўлга киритишди.**

**Айтиш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлод тарбиясига энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.**



# ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Айниқса, спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида турли нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Сингапур Олимпиадасининг мурақаб саралаш босқичларидан ўтган 21 нафар спортчимиз ҳам ҳал қилувчи беллашувларда муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ёдингизда бўлса, Халқаро Олимпияда кўмитаси ва Халқаро ҳаваскор курашчи-лар Федерацияси (FILA) кураш турлари бўйича бир мамлакат учун жами тўртта лицензия ажратган эди. Жорий йилнинг 30 апрель — 2 май кунлари Тошкентда бўлган Осиё саралаш мусобақасида юнон-рум кураши бўйича Руслан Комилов, Нурбек Ҳаққулов, эркин курашчи Диёрбек Эргашев ва хотин-қизлар курашида Нилуфар Гадова ушбу йўланмаларга эга бўлишганди.

Шодибек Сулаймонов (3:0), сўнгра норвегиялик Паал Эрик Гундерсон (4:0)ни мағлубиятга учратди. Ярим финалда эса жазирлик Амин Боугхазини (3:1) енгишга муваффақ бўлди. Аммо финалда озарбойжонлик Элман Мухторовга (0:3) имкониятни бой бериб, Олимпиада ўйинларининг кумуш медали билан тақдирланди.

Самарқанд юнон-рум кураши мактабининг яна бир вакили, Осиё чемпиони Руслан Комиловнинг ўрин учун бахсда АҚШ вакили Лукас Шеридани мағлуб этиб, бронза медали соҳиб бўлди.

Таэквондо бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилган Абубакар Расулов чорак

сузиш баҳсида финалга йўланма олди.

Кеча бўлиб ўтган эркин кураш баҳсида юрдошимиз Нилуфар Гадова (52 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

Энди бевосита мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ҳақида. Сингапурдаги мухашшама "Марина-Бей" аренасида уюштирилган тадбир иштирокчилар қалбига узок вақт сақланиб қолса, ажабмас.

— Биз спорт оламида янги тарихини бошладик, — деди маросимда сўзга чиққан Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге. — Айнан шу дақиқадан бошлаб дунё ёшлари ўзларининг Олимпиадаларига эга бўлишди.

Иштирокчи давлатлар байроғини олиб ўтиш ҳам катта тантаналарга айланма кетди. Дастлаб майдонга одадга гайдик, Олимпиада ўйинлари ватани Греция байроғи олиб чиқилди. Шундан сўнг қолган давлатлар алифбо тартиби бўйича ушбу маросимни давом эттирдилар. Ўзбекистон байроғини бокс бўйича бир неча турнирлар совриндори бўлган иқтидорли спортчимиз Сардор Беғалиев олиб ўтди.



Аҳамиятлиси, терма жамоамиз захирасига биринчи медални айнан юнон-рум кураши бўйича вакилимиз, Самарқанд Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Нурбек Ҳаққулов (50 кг.) тўхфа этди. 1993 йилда Пайрак туманида туғилган полвонимиз бугунгача бир неча халқаро турнирларда муваффақият қозонган.

У Сингапурдаги дастлабки беллашувида қирғизистонлик

финалда эронлик Муҳаммад Сулаймонга очколар бўйича имкониятни бой бериб, бешинчи ўрин билан кифояланди. Ўзбекистон рекордчиси Юдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча усулда

тартиби бўйича ушбу маросимни давом эттирдилар. Ўзбекистон байроғини бокс бўйича бир неча турнирлар совриндори бўлган иқтидорли спортчимиз Сардор Беғалиев олиб ўтди.

26 августгача давом этадиган мазкур мусобақада дунёнинг 204 мамлакатидан келган 3 минг нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

**Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ** тайёрлади.

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

**Самарқанд шаҳрида Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Британия Кенгаши ҳамкорлигида "Иқлим ўзгариши — оммавий ахборот воситалари нигоҳида" деб номланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда бугунги кунда иқлим ўзгариши масаласи долзарб экологик муаммо эканлиги алоҳида таъкидланди. Сўзга чиққан мутахассисларнинг таъкидлашича, сайёра-ларда йилдан-йилга энергия сарфлаши охиб бормоқда. Бунинг натижасида сўнгги юз йилликда Ер ҳарорати кўтарилди. Оқибатда қутилмаган ҳолатлар юзага келди. Айни пайтда, Ер юзининг турли минтақаларида иқлим ўзгаришлари кузатишмоқда.

Матбуот анжуманида дунё мамлакатлари олдига турган энг муҳим масала — иқлим ўзгариши сабабларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этиш, унга мослашув йўлларини топиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейида мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган музейлар раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

# МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекмузей» жамоамаси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда юртимизда мукаддас зиёратгоҳлар ва музейлар фаолиятига жиддий эътибор берилётгани таъкидланди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистоннинг Халқаро музейлар ташкилоти (ИКОМ)га аъзо эканлиги, музейлардаги экспонатларни жаҳон стандартлари даражасида сақлаш, соҳага янги технологияларни

таъбиқ этиш масалалари ҳақида сўз борди. Жойларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий савиясини кўтариш борасидаги тақдирлар ўртага ташланди.

Семинар иштирокчилари Самарқанд шаҳрида барпо этилаётган Мирзо Улуғбек музейида олиб борилётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

## Самарқанд томонларида

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-21, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

**Ўзгирмошти маълумотлари олдига тайёрланди.**

## ОБ-ҲАВО (17 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

## Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.

Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-21, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

**Ўзгирмошти маълумотлари олдига тайёрланди.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

**Истиклолнинг 19 йиллиги муносабати билан Урта Чирчиқ туманида "Онлар куйлаганда..."** деб номланган анъанавий кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

## Республика босқичига йўланма

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу танловни ўтказишда мақсад, миллий қадриятларимиз намуналарини асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодидаги дахлдор бой маънавий меросимизни ёшлар онгига синдиришдан иборатдир.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган юз нафардан зиёд иштирокчи ушбу босқичда ўз маҳоратларини намоён этишди. Шу тариқа халқимизнинг қадимий кўшиқлари — алла, ёр-ёр, лалар, айтишув ва улан айтиш санъати бўйича етакчи иштирокчилар номи аниқланди. Унга қўра, Чирчиқ шаҳри жамоаси ғолиб, деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўланма киришти.

**Г. АҲМЕДОВА.**

## Мўғлистонда Ўзбекистон фотоқўرғазмаси

**Мўғлистон пойтахти — Улан-Батор шаҳрида ўзбек фотосанъатининг 125 йиллигига бағишланган фотоқўрғазма очилди. Қўрғазма экспозициясидан Эллик нафар фотостаннинг турли даврларга оид асарлари ўрин олган.**

— Айниқса, Мустақиллик иншоотлари, мукаддас қадимжолар, юрт манзалари, бунёдкорлик навалари акс эттирилган суратлар томошабинларда катта таассурот қолдириди, — дейди Тошкент Фотосуратлар уйи директори Ж. Изинтаев.

Қўрғазмадан В. Соколов, Р. Шагаев, В. Ан, В. Жирнов, Турсун Али ва бошқа фотостаннинг энг сара асарлари ҳам ўрин олган.

— Суратлар Ўзбекистон ва Ўзбекистонликлар ҳақидаги тасавурларимизни янада бойитди, — дейди Мўғлистон Савдо ва ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими О. Энкхтор. — Қўрғазмани томоша қилган кишида юртингизга савҳат қилиш истаги туғилиши мумкин.

**С. АСТАНОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

### «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиаллари бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

**I. РКМБ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига** Наманган шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан 2010 йил 29 апрелдаги 16-1007/2753-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган Файз» хусусий фирмасига тегишли, Наманган шаҳри, 4-кичик тумани, Қурувчилар кўчаси, 50-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 545,25 кв.м., фойдали майдони 635,56 кв.м., 1 ва 2 қаватли 11 хонадан иборат бўлган компрессор станцияси бино иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 111 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 31 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг «Турон» Банки Бухоро филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452129, МФО: 001111 СТИР; 200933850.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.**

**III. РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг аукцион савдосига** Қумқўрғон тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 4347-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Чориев Шарофиддин Абдусаломович» хусусий фирмасига тегишли, Шеробод тумани, Останкуллов кўчаси, 107-уйда жойлашган, 1984 йилда қурилган, ишлаб чиқариш цехи майдони 855,00 кв.м., маъмурий бино майдони 135,15 кв.м., пешайвон майдони 1720 кв.м., омборхона биноси майдони 405,12 кв.м., қорувулхона биноси майдони 14,21 кв.м., темир дарвоза ва ёғоч тилиш пиларамаси ҳамда мол-мулклар мажмуаси. Бошлангич баҳоси — 312 500 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 16 сентябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг «Турон» Банки Бухоро филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452129, МФО: 001111 СТИР; 200933850.

**Манзил: Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 227-57-94.**

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

**www.rkmb.uz**  
Лицензия: DB 001 № 000004.

Республика Байналминал маданият маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти левони масъул ходими Илёс Мирғиёсович Мирзиётовга падали бузруквори

**МИРҒИЁСОВ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси бош директорининг умумий масалалари бўйича соҳиб ўринбосари

**Баҳадир НАРЗУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси бош тахририр бош муҳаррири ўринбосари Акбар Баҳромовга унис

**ЗУХРА** яннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятлари**

корхона, ташкилот, компания, кўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

Тел.: 232-11-15, 236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz  
Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.

**Халқ сўзи Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қўзғаткичи А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибят 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўламақалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан сақланган. [Т]-Тижорат материаллари

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов. Навбатчи — З. Ашурова. Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 4 5